

# Xabar

ERURSEN SHON, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

**21**  
(1079)  
24-may  
**2013**  
www.xabar.uz  
info@xabar.uz

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEKNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



## Оромгоҳлар мавсумга шайми?

5-бет

**Баҳор тугаб, ёзнинг жазирама кунлари бошланишига ҳам оз фурсат қолди. Ҳадемай мактаб ҳовлилари хувиллаб, барча шовқин-сурон болалар ёзги оромгоҳларига кўчади. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тасарруфидаги болалар ёзги оромгоҳларида эса аини пайтда сўнгги тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Саҳифамизда ана шу ишлар ҳақида ҳикоя қиламиз.**

### Дастурий маҳсулотлар саноати

2013 йил 16 май кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан ҳамкорликда "Дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантиришга доир қонунчилик базасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.


Давра суҳбатидан кўзланган мақсад — "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинда белгиланган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича нормалар ижросини таҳлил қилиш, ахборот технологиялари бозорининг муҳим қисми бўлган дастурий таъминот индустриясининг давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг оптимал йўллари муҳокама қилиш ва мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар саноатини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу тадбирнинг долзарблиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда яқин истиқболда ахборотлаштириш жараёнларини ривожлантириш борасида аниқ мақсадли йўналишларни белгилаб берган "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2012 йил 21 мартда қабул қилинган 1730-қароридан белгиланган асосий қондаларидан келиб чиқади.

3-бет

#### Алоқа оламида

Advanced Micro Devices (AMD) ноутбуклар учун мўлжалланган "жаҳондаги энг тезкор" (8970M) график карта тақдимотини ўтказди.



Янги график чип 4K видео форматини қўллади, суратни бир йўла олтига дисплейга йўллай олади.

Техник хусусиятлари: ишлаб чиқарувчанлиги — 2,3 Тфлоп/сония; хотира такт-частотаси — 1,2 ГГц. Булар деярли Radeon 8790M билан бир хил, аммо "радеон"да "турбо-режим" мавжуд эмас.

Маъмур график карта ўрнатилган илк компьютерлар 1100 долларга баҳоланаётган MSI GX70 ноутбукларини бўлади.

Сўнгги янгилик!

#### Ушбу сонда:

- "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш **2**
- Жаҳоннинг энг бой кишиси **4**
- Темур Рафиков — победитель конкурса **6**
- Баракат — ҳаракатга боғлиқ **11**
- Инфокоммуникацион тизимларда **13**
- Жийда гули ифори **14**

Теледастурлар, спорт, сканворд

## Jumadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 май куни Оксаройда расмий ташир билан мамлакатимизга келган Ҳиндистон Республикаси Вице-президенти Ҳамид Ансорийни қабул қилди. Сухбат чоғида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида парламентлараро алоқалар, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Учрашувда икки мамлакатнинг давлат тузилмалари ва ишбилармон доиралари ўзаро товарлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатишни янада фаоллаштириш ва диверсификация қилишдан, иқтисодиётнинг ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, фармацевтика ва биотехнологиялар, енгил ва кимё саноати, шунингдек, углеводород хомашёси конларини ўрганиш ва ўзлаштириш каби юқори технологияли тармоқларида ўзаро фойдали қўшма ишлаб чиқариш объектларини барпо этишдан маънафаддор экани қайд қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 16 май куни Оксаройда Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири Эдгарс Ринкевичсни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари мунтазамлик касб этган кенг қўламли Ўзбекистон — Латвия давлатлараро мулоқоти нафақат икки ва кўп томонлама аҳамиятга молик амалий масалаларни кўриб чиқиш, балки долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан очикча фикр алмашиш ва уларни баҳолаш учун ҳам имкон яратётганини таъкидлади.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Муҳофизат ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан миллий, этник ҳамда диний тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Сирдарё вилоятида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоятдаги тижорат банклари ташаббуси билан "Ватан тараққиётига менинг ҳиссам" деб номланган ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда вилоятдаги касб-хунар коллежларининг битирувчилари учун махсус кўргазма ташкил этилиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган, ўз бизнес-лойиҳасига эга 334 нафар битирувчига тижорат банкларида кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар тошдирилди.

Навоий вилояти тарих-ўлкашуарлик музейида "Музейлар — тарих кўзгуси" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда адиб ва шоирлар, тарихчи олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, таълим муассасалари ўқувчилари иштирок этди. Тадбирда музейларни ноёб экспонатлар билан бойитиш, уй-музейлар фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан фикр-мулохазалар билдирилди.



# "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш

Давлат ҳокимияти очиклиги ва ҳисобдорлигини таъминлашнинг муҳим омили

**Шу мавзуда "Ўзбектелеком" АКнинг "Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази" филиалида видеоконференция ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий кенгаши, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур видеоконференция ишида юқорида санаб ўтилган ташкилотлар вакиллари, вилоят ҳокимликлари, олий ўқув юртлири, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Шерматов мамлакатимизда "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маъруза қилди.

"Электрон ҳукумат" тизимини шакллантиришнинг бугунги босқичи ўз ичига бир неча муҳим жиҳатларни қамраб олади: ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш

асосида давлат органлари фаолияти самарадорлигининг, шунингдек, тақдим этилаётган давлат хизматлари сифати ортиши ва улардан фойдаланишнинг енгиллашуви, уларни тақдим қилиш жараёнлари ва муддатларининг қисқариши, ҳам фуқаро, ҳам ташкилот томонидан давлат хизмати олиш билан боғлиқ бўлган маъмурий харажатларнинг камайиши, давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот очиклиги ортиши ва уни олиш имконияти кенгайиши, давлат бошқарувининг барча даражаларида қарор қабул қилиш жараёнида ахборот-таҳлил материаллари билан таъминланиш тизимининг тақомиллашуви, тезкорлигининг таъминланиши ва давлат органлари фаолияти натижадорлиги юзасидан тўлиқ назоратнинг ташкил этилиши.

Ушбу йўналишларда мамлакатда фаол ва кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш давлатнинг миллий устувор йўналишларидан бири сифатида қабул қилинди. Давлат органлари, фуқаролар ва ташкилотларга ахборот жамиятида фаол иштирок этишга имкон берувчи норматив-ҳуқуқий ва методологик база шакллантирилмоқда. Бунинг учун фуқароларга ахборот билан хизмат қилишнинг ягона стандартлари жорий этилмоқда. Ушбу стандартлар ахборот хавфсизлигини юқори даража-

да таъминлаб, давлат ахборот ресурсларини, маълумотлар базаси ва ахборот тизимларини химоя қила олади.

Ўзбекистон юқори технологик соҳани ривожлантириш бўйича улкан истиқболларга эга. Миллий IT-саноати муваффақиятли таразда ривожланиб бормоқда, қўшма корхоналар тузиляпти, янги дастурий ишламлар яратилиб ва жорий этилиб, интернет янада кенг маконни эгаллаб борапти. Ушбу соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар мамлакат ахборот жамиятини ривожлантиришга ва унинг жаҳон ахборот маконига интеграциялашувига ўзининг бевосита ҳиссасини қўшади.

Видеоконференцияда давлат ҳокимияти ва бошқарувида очиклигини таъминлашда электрон ҳукуматнинг ролини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси нормаларининг Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги ҳуқуқий тажрибасини ўқитишда депутатлик корпусининг ўрни ва роли белгилаб олинди, аҳоли ва бизнес билан ўзаро алоқаларни таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз интернет-ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлил этилди.

Ўз мухбирими

**Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши томонидан Алоқа тарихи музейида Тошкент шаҳар корхона, ташкилот ва муассасалари бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари раислари ва фаоллари учун навбатдаги "Касаба уюшма кунини" ва "Маънавият соати" ўқув машғулотини ташкил этилди.**

Бугунги ўқув машғулотини иштирокчилар аввалига Алоқа тарихи музейи билан атрофлича танишдилар. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш

## Маънавият соати

даври ва ҳозирги кунда ҳаётга татбиқ этилган янги технологиялар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўқув-семинар кун тартибига ўрта асосий масала киритилган бўлиб, биринчи масала юзасидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Ғофур Жамолов иштирокчиларга "Обод турмуш йили Давлат дастури" мазмун-моҳияти тўғрисида батафсил маълумот берди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши юридик бўлими бош ҳуқуқшуноси Бахтиёр Аҳмад-жонов маърузасида Ўзбекистон Республикасининг Жамоат бирлаш-

малари ҳамда касаба уюшмалари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари ҳамда бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида ҳуқуқий ишларни ташкил этиш борасидаги йўналишларга тўхтаб ўтди.

Шунингдек, тадбирда "Ўзбектелеком" АК "ТШПТ" филиали касаба уюшмаси қўмитаси раиси Аскар Абдуллаев "Алоқачи" ва "Нилуфар" болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг 2013 йил ёз мавсумига тайёргарлиги ва соҳа ходимларининг фарзандларини соғломлаштиришни ташкил этиш борасида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар ҳақида сўз юритди.

Раъно ТўРАЕВА

# Дастурий маҳсулотлар саноати

АКТ соҳасининг тараққиётига хизмат қилади


(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Хозирги кунда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалалари жаҳонда алоҳида долзарблик касб этмоқда. Дастурий маҳсулотлар бутун ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади, ахборот хавфсизлигини таъминлашга қўмаклашади, миллий иқтисодий инновацион ривожланишнинг жуда муҳим шарт бўлиб, глобаллашув шароитида мамлакатнинг рақобатбардошлигини таъминлайди.

Давра суҳбатда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришда сифат жиҳатдан юқсалишни амалга ошириш учун кулай шарт-шароитлар, соҳани ривожлантиришнинг мустаҳкам қонуний базаси яратилди. Хусусан, шу давр ичида ушбу соҳага тегишли ўндан ортиқ қонунлар, мамлакат Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Илғор хорижий таъриба асосида миллий қонунийликнинг доимо такомиллаштирилиши. Хусусан, охириги йилларда парламент томонидан амалдаги бир қатор қонунларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва дастурий маҳсулотлар бозорини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Булар жумласига "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги, "ЭХМ дастурлари ва маълумотлар базасини химоя қилиш тўғрисида"ги қонунларни киритиш мумкин.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқ ва божхона соҳасида катта имтиёзлар берилди. Чунинчи, бир неча йиллар давомида компьютер ва ахбо-



рот технологиялари бўйича ўқитиш хизматларини, шунингдек, дастурий воситаларни реализация қилишни қўшимча қиймат солиғидан озод этиш бўйича нормалари амал қилди. Бундан ташқари, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун умумий белгиланган ягона солиқ тўлови ставкасидан қайтаририлган солиқ тўлайдилар.

Муҳокамалар жараёнида алоҳида таъкидланганидек, хозирги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари дастурий маҳсулотларнинг фаол истеъмолчиси ҳисобланади. Кейинги вақтда мамлакатимизда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва йнрик корхоналарнинг харажатлар сметаси ва бизнес режаларида ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, дастурий маҳсулотлар ҳамда интерфаол давлат хизматларини жорий этишга қаратилган харажатларни назарда тутиш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда. 2013 йилдан эътиборан мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви орган-

ларининг идоралараро интеграциялашган ахборот тизимларини жорий этиш, маълумотлар узатишнинг идоралараро тармоқларини яратиш, "Электрон ҳуқуқат" тизимини ҳамда интернет тармоқининг миллий сегментини шакллантириш бўйича лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун давлат буюртмасини шакллантириш ва молиялаштириш борасидаги ишлар бошлаб юборилган.

Ушбу чора-тадбирлар дастурий маҳсулотлар индустриясининг миллий бозори қўламини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатиб, унинг илдам ривожланишини рағбатлантирмоқда. Натижада маҳаллий дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар маҳсулотлари қўламини йил сайин кенгайтириб, хорижий дастурий маҳсулотлар билан рақобат қилишга қодир янги ишланмалар яратилмоқда.

Давра суҳбатда сўзга чиққанларнинг фикрича, иқтисодийнинг фавқулодда истикболли ушбу секторини ривожлантириш мақсадида дастурий маҳсулот ишлаб чиқувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги қонунийлик базасини янада такомиллаштириш, дав-

лат органларида ихтисослаштирилган дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, "Электрон ҳуқуқат" лойиҳасини амалга оширишда маҳаллий компанияларнинг фаол иштирокини таъминлаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган лицензиялаштирилган дастурий таъминотдан ёки эркин тарқатиладиган очик кодли дастурий таъминотдан фойдаланишни кенгайтириш лозим.

Анжуманда ахборот технологиялари ва дастурий таъминот бозорини ривожлантиришга қаратилган қонун ижодкорлиги ишларининг устувор йўналишлари билан бир қаторда, амалдаги қонун ҳужжатлари ижро этилишининг бориши, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истикболлари атрофида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қонунийлик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг депутатлари ўз партияларининг устав қоидалари ва сайловолди дастурлардан келиб чиққан ҳолда давра суҳбатда муҳокама қилинган масалаларнинг мазмун-моҳияти юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Давра суҳбати якунларига қўра, дастурий маҳсулотларни яратиш, тарқатиш ва жорий этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, миллий дастурий маҳсулотлар саноатини ривожлантириш ва унинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида кулай иқтисодий муҳитни яратиш учун қонунийлик базасини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳафиза КАРИМОВА,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Қонунийлик палатаси депутати

## Грид-протоколлар асосида виртуал ҳисоблаш муҳитини шакллантириш

Айни вақтда дунёнинг кўпгина давлатларида ресурслар ва фойдаланувчилар жойлашган жойдан қатъи назар турли ҳисоблаш ресурсларига улашиш борасида лойиҳалар йўлга қўйилмоқда. Маъмур ҳолат инсон фаолиятининг барча соҳаларига грид-тизимларининг кенг жорий этилиши билан боғлиқ.

Ўзаро мослашган, очик ва стандартлаштирилган муҳит ҳисобланувчи грид-технологиялар виртуал таъкидлаштириш доирасида ресурсларнинг мослашувчан, хавфсиз ва мувофиқлаштирилган тақсимотини таъминлайди, яъни ўзаро боғлиқ бўлмаган фойдаланувчилар, муассасалар ва ресурслар мажмуини динамик тарзда шакллантириб беради.

Грид-ресурсларини шакллантиришнинг асосан икки йўли мавжуд. Биринчи усул алоҳида-алоҳида жойлашган ресурсларни виртуаллаштиришга асосланган. Бунда алоҳида олинган боғламнинг ресурсларини автоном маъмурий доменда жойлашган бўлиб, ўзаро локал тармоқ ёрдамида боғланади ва одатда, локал ресурслар менежери вазифасини бажарувчи пакетли

ишлов бериш тизими орқали бошқарилади. Боғлама Грид-сервислар ўрнатилган бир ёки бир нечта машина-шлюзлар ёрдамида Грида уланади ва шу тарика маъмур боғлама ресурсларига исталган жойдан туриб ошқора тарзда улашиш имконини беради.

Пакетли ишлов бериш тизимини қўллашнинг имкони бўлмаганда ташкил этишнинг бир даражали (иккинчи) усули ишлатилиб, бунда макон жиҳатидан турли жойдаги компютерлар бошқарув маркази орқали интеграция қилинади. Бунда, биринчидан, марказ барча ресурсларга улашиш имконини берса, иккинчи томондан, ресурсларни бошқариш вазифасини бажарган ҳолда, уларни виртуаллаштиради.

Глобал Гриннинг умумий тузилмаси протоколлар даражалари (ёки қатламлари) мажмуи кўринишида тавсифланади. Протоколлар тузилмаси очик тизимларнинг ўзаро боғланган тармоқли моделни эслатади (OSI моделлари). Грид-протоколларни қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Аппаратли (базавий) даража (Fabric Layer) тегишли хизматларнинг бевосита ресурслар билан ишловчи протоколларини тузиб беради.

2. Боғловчи даражани (Connectivity Layer) базавий даражанинг таркибий қисмлари ўртасида ахборот алмашувини таъминловчи протоколлар ташкил қилади.

3. Ресурсли даража (Resource Layer) кўп даражали тизимларнинг ўзаги ҳисобланиб, унинг протоколлари умумлаштирилган интерфеис орқали тузилиш хусусиятларига боғланмаган ҳолда муайян ресурс билан боғланади.

4. Умумий даража (Collective Layer) мавжуд бўлган ресурслардан мувофиқлаштирилган ҳолда фойдаланишни таъминлайди.

5. Амалий даража (Application Layer) виртуал ташкиллаштириш муҳитида ишловчи фойдаланувчи иловаларини таърифлаб беради, иловалар куйи даража протоколлари орқали ишлайди.

Бинобарин, фойдаланувчи сўроғи асосида қайд этиб ўтилган протоколлар асосида инфокоммуникация тармоғи муҳитида виртуал ҳисоблаш ресурслар шакллантирилади.

Шерзод НАСРЕДИНОВ,  
ТАТУ 2-босқич магистри

Xalqaro  
haqot

АҚШнинг Оклахома шахри атрофидаги худудларга келган қуюн биноларни ер билан яқсон қилган. Хабарларга қўра, табиий офат оқибатида 90 нафардан зиёд инсон қурбон бўлган ва яна ўнлаб инсонлар жароҳатланган.

Охириги икки кун ичида торнадо Оклахома штатига 20 мартадан ёпирилган. Кенглиги бир километрдан каттароқ бўлган қуюн бир бошланғич мактабни бутунлай вайрон қилган ва қўлаб ёнғиларни келтириб чиқарган. Мактаб биноси вайронлари остида болалар қолган бўлиши мумкин. Кутқарувчилар торнадо қурбонларини қидиришда давом этмоқдалар.

ХИТОЙнинг шарқий Шандун провинциясида жойлашган Чжанцзо шахрида портловчи моддалар ишлаб чиқарадиган заводда портлаш юз берди.

Воқеа пайтида цехда 34 нафар ишчи бўлган. Халокат оқибатида беш киши қурбон бўлган ва 20 нафари бедарак йўқолган. Кутқарувчилар цех вайронлари остидан портлашда омон қолган тўққиз кишини кутқариб олишган.

РОССИЯ Терроризмга қарши агентлигининг маълум қилишича, Москвада террорчилик ҳужумини амалга оширишни режаллаган гуруҳга қарши рейд ўтказилган. Рейд натижасида икки шахс ўлдирилган, бир киши қўлга олинган.

Гуруҳ пойтахтдан шарқроқда жойлашган Орехово-Зуево шахарчасида қарор тошган. Уларнинг Афғонистон ва Покистонда тайёргарликдан ўтиб келган Россия фуқаролари эканлиги айтилмоқда.

ШВЕЦИЯнинг Мalmö шахрида яқунланган "Евровидение-2013" мусиқий танловида даниялик Эммели де Форест "Фақат кўз ёшлар" кўшиги билан 281 балл тўплаб ғолибликни қўлга киритди. 20 ёшли Эммели де Форест 9 ёшдан бери черков ва бошқа хорларда кўшиқ куйлайди. 2011 йилдан бери у вокал маҳорати бўйича Копенгаген институтида тахсил оляпти.

Танловдаги иккинчи ўрин озарбайжонлик Фарид Мамедовга, учинчи ўрин эса украинаник Злата Огнечига насиб этди.

БРИТАН қўшинларида хизмат қилган 600га яқин афрон таржимонларига Буюк Британияда яшаш ҳуқуқи берилди. Ўз вақтида бундай ҳуқуқ ироқлик тилмочларга берилган эди. Камида бир йил ишлаган бу таржимонларга беш йиллик виза берилди, муҳлат тугаганидан кейин улар муддатсиз яшаш ҳуқуқини олиш учун ариза тошпиришлари мумкин. Уларнинг қайси яқин қариндошларини олиб кетиш масаласини эса Британия Чегара агентлиги ҳал қилади.

Афғонистонда қолишни ихтиёр қилган тилмочлар ҳам Британия ҳуқуматининг қўловини олишади, жумладан, уларга беш йил ичида тахсил харажатлари тўлаб берилди. Шунингдек, бошқа афрон хизматчилар, масалан, ошпазлар ва қўриқчилар ҳам қуруқ қўйилмайди.

ИНДОНЕЗИЯ шарқида жойлашган "Грасберг" шахтасида юз берган ўпирилиш оқибатида қурбон бўлган қончилар сони 28 кишини ташкил қилди. "Бугун эрталаб йўқолган деб ҳисобга олинган сўнгги етти шахтёрнинг жасадлари топилди", — дейилди қон эгаси ҳисобланган "Фрипорт Индонезия" корпорацияси расмий баёнотида.


Эслатиб ўтамиз, "Грасберг" шахтасидаги тунелнинг ўпирилиши 14 май куни содир бўлган эди. Шу пайт шахтада 38 нафар қончи ўқув хонасида хавфсизлик техникаси дарсини ўтаётган. Яраланган ўн нафар қончи шу куннинг ўзида уюмлар остидан кутқариб олинган.

## Қановини тоқса, ...

Швециянинг йирик дата-марказларидан бири ўзига хос совутиш тизимидан фойдаланиш орқали йилга электр энергиясидан 1 млн. долларни тежамқочи. Бу тежамқор восита — денгиз сувидир.

Дата-марказлари одатда энг кўп маблагни электр энергиясига сарфлайди. Бундай марказларнинг аксарияти совутиш воситаси сифатида кондиционерлар ёки бошқа махсус қурилмалардан фойдаланади. Стокгольмдаги дата-марказ учун эса шведлар Болтиқ денгизидан махсус қувурлар ва насослар орқали денгиз сувини келтиришди.


Interxion компанияси татбиқ этаётган бу тизим жуда оддий ва қулай. Дастлаб денгиздан тортиб олинган



сув ҳарорати 6 даража илқликда бўлади. Сув дата-марказнинг биринчи сегментидан ўтгач ҳарорати 12 даражани ташкил этади. Иккинчи сегментга сув 18 даража ҳароратда кириб, 24 даража ҳароратда чиқади. Бу сув ҳароратидан ҳоналарни иситишда фойдаланилади: қувур-

лар орқали сув дата-марказнинг офислари поллари тагидан ва иситиш батареялари орқали ўтади. Сўнгги босқичда ишлатиб бўлинган денгиз суви 12 даражагача совийди ва денгизга қайтиб тушади.

"Бир ўк билан иккита қуёنни уриш" деб шуни айтишса керак-да!..



## Билл Гейтс — яна жаҳоннинг энг бой кишиси!

Bloomberg агентлиги дунёнинг энг бой кишилари рейтингини эълон қилди. Bloomberg мезонларига қўра, беш йиллик танаффусдан сўнг, Microsoft асосчиси, ўтган йили сармоясини 10 миллиардга кўпайтириб 72,7 млрд. долларга етказиб олган Билл Гейтс яна биринчи ўринга кўтарилди.

Билл Гейтснинг маблаглари 2007 йилдан буён рейтингни бошқариб келаётган мексикалик магнат Карлос Слимниқидан 550 млн. доллар кўпроқ.

Бойлар рўйхати юқори қисмидан, шунингдек, Berkshire Hathaway раҳбари Уоррен Бафет, Oracle раҳбари Ларри Эллисон, Amazon ижрочи директори Жефф Безос ҳамда Google асосчилари — Ларри Пейж ва Сергей Бринлар мустақкам ўрин эгаллаган.

## АТ-хабарлар

● АҚШ сенати Apple компаниясини сўнгги 4 йилда мамлакат бюджетига ўнлаб миллиард доллар кам солиқ тўлашда айблади.

Расман, Apple қонунларни бузаётгани йўқ, бироқ, шунга қарамадан, АҚШ сенатида нафақат бу компания, қолаверса, Microsoft, Google ва бошқа йирик ахборот технологиялари компаниялари ҳам корпоратив солиқлар миқдорини камайтириш мақсадида оффшор тизимлардан фойдаланётгани ва бу мамлакат солиқ тизимининг яхши самара бермаётганидан далолат бериши ҳақидаги баҳслар тинмаяпти.

● ICANN интернет-корпорацияси "Яндекс" компаниясининг корпоратив ривожланиш учун ўз .yandex домен зонасини яратиш таклифини маъқуллади. Келгусида бу зонада интернет-қидирувчининг халқаро шақли, "Яндекс.Мусиқа", "Яндекс.Почта" сингари сервислар жойлаштирилиши кутилляпти.

Эслатма: ICANN тошклотининг gTLDни кенгайтириш бўйича янги дастурига мувофиқ, бу сингари доменлар ошли 185 минг долларга баҳоланади.

● Саноат тармоқларини ҳимоялашнинг янги технологияси ишлаб чиқилди. Шимолий Каролина университети (АҚШ) тадқиқотчилари муаллифлигидаги бу дастурий алгоритм транспорт, электр энергияси таъминоти ва бошқа муҳим стратегик соҳаларни бошқаришда қўлланилаётган тармоқларга бўлган киберҳужумларни аниқлаш ва ихоталаш имконини беради.



Тадқиқотчиларнинг айтишича, бу дастур ҳеч қандай анти-вирусларсиз Stuxnet ёки Flame сингари зарарли кодларга қарши қурашишда қўл келиши мумкин.

● Ванкувер (Канада)да ўтган кўрғазмада Samsung компанияси энг юқори тинқликдаги, ўта зичликдаги пикселларга эга суюқкристалл экран (LCD) тақдимотини ўтказди. Ноутбуклар учун мўлжалланган 13,3 дюймлик бу янги ишланма 3200x1800 пиксел кенгликка эга бўлиб, бир дюймда 276 пиксел ррр жойлаштирилган. Солиштириш учун: шу пайтгача энг тинқ дев таърифланаётган MacBook Pro Retina дисплей (13,3 дюйм) кенгликда 2560x1600 пикселли бўлиб, бир дюймга 227 пиксел ррр жойлаштирилган.

● Google I/O анжуманида Google компанияси VP9 видеокодеки устидagi ишларни

деярли тугатганини ва фойдаланиш учун тақдимотини ўтказишини маълум қилди. VP9 —тўлиқ очиқ технология бўлиб, юқори сифатли видеолар учун мўлжалланган ва амалдаги энг оммалашган H.264 кодекига муносиб ўринбосар бўлиши мумкин.

● Samsung Electronics яқин беш йилда юқори тонфали дастурчи муҳандислар тайёрлаш учун 160 млн. доллар инвестиция сарфлайди, қолаверса, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўналишини ривожлантиришга катта эътибор қаратади. Компания маълум қилишича, 2017 йилгача ҳар йили Samsung 2 мингтадан дастурчи муҳандисни ишга қабул қилади.

● CharityBuzz.com сайтида ноодатий лот кимошди савдоси бўлиб ўтди. Лотга шахсан Apple корпорацияси раҳбари Тим Кук билан тушлик қилиши имконияти қўйилганди. Номи маълум қилинмаган аукцион қатнашчиларидан бири бу имкониятни қўлга киритиш учун нақ 610 минг доллар тўлади.

● Google ва NASA шўба компанияси сунъий интеллектни ўрганишчи лаборатория яратишга киришади. Сунъий интеллект устидagi тадқиқотлар, одатдаги усуллардан фарқли равишда, квант эффектларига асосланган компютерларда амалга оширилади. Бу компютерлар ҳисоб-китобларни ҳозирги суперкомпютерлардан минг чандон тезроқ баҳарадиган бўлади. Жорий йилнинг учинчи чорагида мазкур компютер ишга тушади. Аммо ҳозирча унинг тезлиги суперкомпютерларникидан ошмайди.

# Оромгоҳлар мавсумга шайми?



**2200 НАФАРГА ЯҚИН БОЛА СОҒЛОМЛАШТИРИЛАДИ**

**Мана, бир неча йилдирки, "Ўзбектелеком" АК "ТШПТ" филиали тасарруфида "Алоқачи" ҳамда "Нилуфар" болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатиб, Тошкент вилоятининг тоғли Бўстонлик туманида жойлашган бу баҳаво масканларда ҳар йили алоқачиларнинг минглаб фарзандлари соғломлаштирилиб, оила бағрига қайтмоқдалар. Оромгоҳлар бу йилги мавсумга ҳам деярли тахт ҳолатга келтирилди. Олиб борилган тайёргарлик ишлари ҳақида филиал касоба уюшмаси қўмитаси раиси Асқар АБДУЛЛАЕВ шундай ҳикоя қилади:**

— Бу йилги мавсумда "Алоқачи"да тўрт мавсумнинг ҳар бирида 320 нафардан жами 1280 нафар ҳамда "Нилуфар"да тўрт мавсумнинг ҳар бирида 220 нафардан жами 880 нафар бола дам олиб, ўз саломатлигини тиклайди. Демак, алоқачиларнинг 2200 нафарга яқин фарзандлари ёз мавсумини "ТШПТ" тасарруфидаги сўлим оромгоҳларда ўтказишади.

Мавсумолди тайёргарлик ишлари ҳақида гапирадиган бўлсам, "Алоқачи" болалар соғломлаштириш оромгоҳида санитария-гигиена ҳолатлари яхшиланади. Умумий овқатланиш зали шифтлари гипсокартон билан, пол ва девор қисми эса керамик кафел билан қопланади ҳамда эскирган ромлар янгисига алмаштирилди. Шунингдек, ошхонанинг ёрдамчи хоналари ҳам тубдан таъмирланди. Ходимлар учун хоналар, тиббий хизмат кўрсатиш биноси, оромгоҳ ҳудудидаги панжаралар, ўғил ва қиз болаларнинг душ хоналари, отрядларда кийим осиб жихозлари, кир ювиш хонаси қисман таъмирланди ва иккита кир ювиш машинаси қўйилди. Оромгоҳ ҳудудидаги отряд хоналарининг синган ойналари янгисига алмаштирилди, шифер томлари қисман таъмирланди. Ёритиш, электржихоз ва электр таъминот тармоқлари тахт ҳолга келтирилди. Телефон алоқаси (142-79-77) ва оромгоҳ ётоқхоналарини ички телефонлаштириш йўлга қўйилди. Ётишмаган ўрин-кўрпа жилдлари ва ётоқ жихозлари, канцелярия маҳсулотлари, идиш-товок, ошхона ходимлари учун кийим-бош ва керакли дорн-дармонлар, иккита кушетка билан таъминланди.

Бугунги кунда оромгоҳ бассейнидаги сув сакловчи сизим, ёнғин хавфсизлигини таъминловчи бассейн, ота-оналар учун суҳбат жойлари, автомашиналар қўйиш майдонлари, атрофдаги ўриндиқлар ва девор қисмлари, болалар учун оёқ ювиш мосламаларининг қўчган жойларини су-

ваш ва бўяш ишлари охирига етказилмоқда. Ободонлаштириш ишларига ҳам катта аҳамият берилляпти.

"Нилуфар" болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳудудида ҳам кенг миқёсда ободонлаштириш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Оромгоҳ майдони ортқича чиқиндилардан тозаланди, дарахтлар буталиб, оқланди. Отряд хоналарининг том қисмидаги синган шиферлар, синик ойналар янгисига алмаштирилди. Ёритиш, электржихоз ва электр таъминот тармоқлари ишлагга тайёр. Бу ерда ҳам телефон алоқаси (142-77-37) ва оромгоҳ ётоқхоналарини (отряд) ички телефонлаштириш йўлга қўйилган. Ётишмаган ўрин-кўрпалар, ётоқ жихозлари, канцелярия моллари, идиш-товок, ошхона ходимлари учун махсус кийим ва зарур дорн маҳсулотлари, кушеткалар келтириб қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, ҳар йилгидек бу йил ҳам Оролбўйи минтақаларидан келган болаларни соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Яъни, уларнинг буюртмаларига асосан керакли жой хозирланади.

Мақсадимиз битта. У ҳам бўлса эртамиз эгалари бўлган болажонлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялашдир. Шу ниятда ҳар икки оромгоҳдаги маънавий хоналари чиройли қилиб жихозланди. Бу хоналар болалар учун мўлжалланган бадий адабиётлар билан бойитилди. Мавсум давомида эса керакли газета ва журналлар ҳам келтирилади. Болажонларнинг дам олиш билан биргаликда спорт билан жиддий шуғулланишлари, компютерда ишлашни ўрганишлари, шахмат ва шашка мусобақаларида иштирок этиб, ақлий салохиятларини оширишлари учун барча шароит яратилади.

Бир сўз билан айтганда, оромгоҳлар ўз эгаларини кутмоқда!

**М.ИДРИСХЎЖАЕВА ёзиб олди**

**Ёзни болажонлар ўзгача кайфиятда кутиб олишади. Негаки, ёз — дарслардан, уй вазибалари-ю имтиҳонлардан толиққан болаларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун энг яхши давр. Уч фаслда ҳавиллаб қолган оромгоҳлар ҳам болалар билан гавжум бўлиши табиий, албатта.**

## Мафтункор тоғлар чорлайди

Қашқадарё вилоятидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг аксарияти тоғ ён-бағрида жойлашган бўлиб, сўлим ва гўзал табиати, хуш ҳавоси билан мафтункор. Болажонлар ажойиб табиат қўйнида таъғилни мазмунли ўтказиш билан бирга, соғлиқларини мустаҳкамлайдилар.

Айтиш жоизки, вилоятдаги барча оромгоҳларда мавсумга тайёргарлик ишлари деярли якунланди. "Алоқачи"да бўлган киши оромгоҳни мутлақо янги кийфада кўради. У ерда ётоқхона, ошхона, тиббиёт хонаси ва чўмилиш хавзалари янгидан таъмирланди. Оромгоҳ замонавий кўринишга эга бўлибгина қолмай, ота-оналарни кутиш, маънавий ва маърифат, кутубхона, компютер саводхонлиги, машғулотлар, гигиена хоналари ва бошқалар қайтадан жихозланди. Филиал томонидан кўрпачулар, чойшаблар, идиш-товоклар хозирланиб, дорн-дармонлар билан таъминлаш, озиқ-овқат, юкумли касалликларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги хизмати каби хизматлар учун тегишли идоралар билан шартномалар имзоланди.

— Ҳали қад рўстлаганига кўп бўлмаган ётоқхона "Алоқачи" кўркига янада кўрк қўшди, — дейди "Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали касоба уюшмаси қўмитаси раиси Бобоқул Жуманов. — Ётоқхона 120 кишига мўлжалланган бўлиб, девор рангларидан тортиб, жихозларнинг жойлаштирилиши ҳам бир-бирига ҳамоханг, ўзига хос услубда. Ётоқхона атрофи тартибга келтирилиб, турли манзарали дарахт ва муаттар гуллар экилган. Йўлаклар четига ранглар билан безак берилган. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида оромгоҳ атрофи чамбараклар билан ўралиб, йўлаклар тартибга келтирилди. Очик бассейн тоза сув билан алмаштирилиб турилади.

Оромгоҳга кирверишда турли эртақ қаҳрамонларининг суратлари пештахталарга тизилган. "Ёз ўтсин соз", "Бола кулса, олам кулади", "Тоза ҳаво — танга даво" каби шiorлар осилган. Атроф куюк дарахтзор. Арча ва чинорлар савлат тўкиб турибди. Ошхона тартибга солиниб, янги анжомлар келтирилди. Футбол, волейбол, теннис, баскетбол майдончалари янгиланди. Шу билан бирга, турли машғулотлар ўтадиган хоналар жихозланиб, керакли ашёлар билан бойитилди. Ҳар кеча бир-бирдан қизиқарли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган очик сахна ва ўриндиқлар болажонларни кутиб турибди.

Оромгоҳга ҳар йили вилоятнинг шаҳар ва туманларидан болажонлар келишади. Ўғил-қизлар йил давомида олган билимларини бу ердаги инглиз тили, расмолмик, бичиш-тикиш тўғрақларида янада мустаҳкамлашади. Шунингдек, шахмат-шашка ўйнаб, ақларини чархлаганса, "Рақс дастаси"да турли халқлар рақсларини ўрганадилар. Кўп нусхадаги ва кўп турдаги китобларга эга кутубхона дам олувчиларни зериктирмайди. Яқинда кутубхонага филиал маъмурияти янги эртақ ва бадий адабиётларни келтирди.

Хуллас, бу йил "Алоқачи"да дам олиш ҳар йилгидан-да яхшироқ бўлиши шубҳасиз.

**Афтондил ИСМОИЛОВ**

**К**оренные изменения в сфере ИКТ сегодня охватывают весь мир и представляют широкие функциональные возможности для совершения стремительного технологического и инновационного рынка, который будет способствовать быстрому развитию экономики.

Осуществляется широкомасштабная работа и в нашей стране по развитию информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) и их внедрению во все отрасли и сферы национальной экономики, интеграции во всемирное информационное пространство.

## Государственная статистическая отчетность в электронном виде

В целях дальнейшей либерализации экономики и кардинального улучшения делового климата в республике 16 июля 2012 г. Президентом Республики Узбекистан Исламом Каримовым подписан указ УП-4453 "О мерах по кардинальному сокращению статистической, налоговой, финансовой отчетности, лицензируемых видов деятельности и разрешительных процедур". В частности, в данном документе перед органами государственного управления ставятся задачи обеспечения до конца 2014 года поэтапного перевода в полном объеме всех субъектов предпринимательства на электронную систему сдачи статистической, налоговой и финансовой отчетности.


В Государственном комитете Республики Узбекистан по статистике поэтапно внедрена Автоматизированная информационная система (АИС) сбора государственной статистической отчетности в электронном виде.

На первом этапе в период с июля 2010 г. по август 2011 г. совместно с Центром UZINFOCOM, было разработано и введено в эксплуатацию специализированное программное обеспечение по электронному представлению 22 форм из 215 действующих.

Второй этап начал в июне 2012 г. Госкомстатом, совместно с ООО "Центр программистов BePro" (ранее — "Центр подготовки и поддержки молодых программистов") проведены работы по модернизации существующей системы, переносу на новую платформу, более гибкую в плане модернизации и интеграции с информационными системами других государственных органов, а также осуществлен перевод всех 141 формы статистической отчетности на электронное представление.

Система сбора государственной статистической отчетности в электронном виде "eStat 2.0" предназначена для выполнения текущих работ по подготовке, заполнению и предоставлению государственных статистических отчетов юридическими лицами в органы государственной статистики в электронном виде.

Создание АИС "eStat 2.0" преследует собой обоснованное решение следующих задач:



дует собой обоснованное решение следующих задач:

- внедрение методов информационного обмена с использованием телекоммуникационных средств по предоставлению и сбору государственной статистической отчетности в электронном виде;
- организованное предоставление статистической отчетности юридическими лицами по данной форме в электронном виде;
- применение и использование современных решений и технологий по идентификации и авторизации пользователей с использованием технологии электронной цифровой подписи (ЭЦП).

Архитектура системы "eStat 2.0" представляет собой многозвенную клиент-серверную информационную систему. При использовании данной архитектуры все процедуры по вводу, контролю целостности, корректировке и хранению данных осуществляются на стороне "Клиента". Сервер является посредником в процессе обмена данными между "Клиентом" и базой данных. Данная архитектура не требовательна к техническим характеристикам вычислительных машин, серверного оборудования и к пропускной способности телекоммуникационных каналов.

Для того чтобы сдать отчет в электронном виде, предприятиям и организациям, необходимо:

1. Иметь подключение к сети интернет и ключи ЭЦП, выданные Центром регистрации ключей электронных цифровых подписей Государственного налогового комитета Республики Узбекистан.
2. Скачать с официального сайта Госкомстата [www.stat.uz](http://www.stat.uz) специальное программное обеспечение и установить на свой компьютер.
3. Запустить программное обеспечение, заполнить реквизиты организации.
4. Выбрать форму отчета и заполнить ее.
5. Провести контроль на арифметические и логические ошибки.
6. Отправить отчет в органы статисти-

стики.

Программа самостоятельно ищет ключи ЭЦП на сменных носителях, подписывает отчет, шифрует данные и отправляет на сервер Госкомстата.

Сотрудники органов статистики через специальное программное обеспечение получают присланные отчеты. В случае если отчет заполнен верно статистик принимает отчет. В обратном случае — дает отказ и указывает ошибки.

Как показывает практика, электронная отчетность набирает популярность. Если в четвертом квартале 2011 года доля субъектов хозяйствования предоставивших статистическую отчетность в электронном виде составила около 4 %, то в 2012 году достигла отметки в 25,6 %. В настоящее время, в период с января по апрель 2013 года более 47 % организаций и предприятий предоставило государственную статистическую отчетность в электронном виде.

Использование данной системы при представлении государственной статистической отчетности позволяет экономить время при сдаче отчетности, снизить количество ошибок за счет первичного контроля на правильность заполнения в соответствии с требованиями форм, оперативно и своевременно получать обновления форм статистического отчета, а также гарантирует конфиденциальность передаваемой информации (все отчеты передаются в зашифрованном виде с использованием средств криптографической защиты информации).

Следует отметить, что Автоматизированная информационная система сбора статистической отчетности "eStat 2.0" стала победителем конкурса программных продуктов в номинации "Лучший проект государственных органов" на VII ежегодной форум-выставке программных продуктов "Best Soft Uzbekistan 2013", прошедшей 15-16 мая в НВК "Узэкспоцентр".

**К.КАН,**  
начальник управления информационных систем, межведомственного взаимодействия и порталных решений Госкомстата РУз.

## ТЕМУР РАФИКОВ — ПОБЕДИТЕЛЬ КОНКУРСА

**В Национальном выставочном комплексе "Узэкспоцентр" в седьмой раз прошла ежегодная выставка программных продуктов и форум программистов страны.**

Данное мероприятие было направлено на демонстрацию достижений в области разработок программных продуктов, достижений софтверной индустрии республики, а также процесса внедрения "электронного правительства".

В числе лучших разработок — новый программный продукт "Антиспам" разработанный сотрудником филиала "Bosh Kommutatsiya Markazi" АК "O'zbektelekom" Темуrom Рафиковым, позволяющая анализировать и блокировать до 99 процентов спам-сообщений.



По этому поводу на предприятии "ВКМ" было проведено открытое собрание с приглашенными молодыми специалистами. Где было объявлено техническим директором филиала "ВКМ" Ш.Каримовым результаты выставки программных продуктов "Best Soft Uzbekistan 2013". И от имени директора филиала "ВКМ" А.Газиева поздравил сотрудника филиала Т.Рафикова с победой на конкурсе программных продуктов и огласил приказ по предпринятию о награждение его денежной премией в размере двух миллионов сум. Ш.Каримов призвал, молодых сотрудников филиала стремиться достигать творческих успехов и принимать активное участие в проводимых конкурсах, выставках и других мероприятиях в области информационных технологий.


Тимур Рафиков поблагодарил директора филиала А.Газиева, технического директора Ш.Каримова за оказанное доверие и честь работать под их руководством. А также непосредственного своего наставника — начальника ЦТС С.Сиддикова за оказанную помощь и консультацию при разработке программы "АнтиСПАМ" для SMTP шлюза системы СОС "Uzmail".

**Махмуда АРИПОВА,**  
сотрудник филиала "ВКМ"

# Хабар +tv

21 (1079)-son

2013-йил 24-май



ДУШАНБА — 27 МАЙ

- 5.55 Курсатувлар дастури.
- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
- 7.00 "Ислам"
- 7.05 "Кўнглик кўнлик истайлди"
- 7.20 Миллий сериал: "Иттиҳод"
- 8.00 "Падлиқом"
- 8.40 "Ишқар хазина", Т/с.
- 9.25 "Ислам"
- 9.30 "Юртим таровати"
- 9.40 "Саломатлик дастури"
- 9.55 "Сарой хазинари", Т/с.
- 11.00 "Абдор"
- 11.10 "Ваъизлар"
- 11.55 "Ислам"
- 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
- 12.50 "Кўнглик кўнлик истайлди"
- 13.05 "Ислам"
- 13.10 "Қиллоқ ҳаёти"
- 13.30 "Қўнглик йил"
- 14.00 "Абдор"
- 14.15 "Хилофат сари"
- 14.25 "Ислам"
- 14.40 "Ўзбек киноси: Туюқ оғи"
- 16.10 "Келажоққа пойдевор"
Косон почта алоқаси тармоғида бўш иш ўринлари борлиги, ёш, билимдон олий маълумотли кадрлар кераклигини билиб олган Отабек ўз туманида ишлашга жазм этди. Ўша пайтларда почта алоқаси тармоғи бошлиғи бўлиб ишлаётган Махмуд Ҳақбердиевга учрашди.

— Бизга сиздек билимдон, ёш, елиб-югуриб ишлайдиган йигитлар керак, бироқ мутахассислигиниз тўғри келмагани ўйлангириб турибди.

— Ишга кириб ўзини кўрсатаман, соҳага яқин маълумот оламан, — деганди ўшанда Отабек.

— Яхши, синов муддати билан ишга оламан. Шу вақт ичида ўзингизни кўрсата олсангиз, бизнинг соҳада ишлайверасиз.

Шу бўлди-ю Отабек Мирзаев почта соҳасида ишлаб қолди. Бу соҳанинг фидойиси бўлишга эса Махмуд ака

Мустақиллик йилларида алоқа соҳасидаги ислохотлар йил сайин чуқурлаша бориб, ўзининг қутилган натижасини бера бошлади. Шундай бир паллада Ш.Бўтаев "Алоқанвест" акциядорлик жамияти Сурхондарё хўжаликлари кўчма механизациялаштирилган жамланмаси бошлиғи этиб тайинланди. Бинобарин, жамоа зиммасига юклатилган вазифа ғоят масъулиятли эди. Замонавий электрон рақамли алоқа хизматини йўлга қўйишга доир истиқболли лойиҳалар ижросини таъминлаш улардан катта куч, тажриба ва малака талаб этарди. Ахборот асри арафасидаги бу юмуш муваффақиятли удаланди. Аҳил жамоа хайрли ишни маромида битказиб, натижасини кўрди, буюртмачилар раҳматини эшгди.

Шопўлат Бўтаев айна чоғда "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиалининг 7-боғламасида эксплуатация муҳандиси вазифасида ишламоқда. Маълумки, юртимизнинг барча манзиллари қатори Сурхондарёга ҳам янги, замонавий техника ва технологиялар кириб келяпти. Эътиборлиси, уларни жорий қилиш ишларида Шопўлат Бўтаев ҳар доим фаол. Шу билан бирга, у алоқа тизимида ахён-ахёнда юз берадиган баъзи фавқуллода ҳолатлар ва мурак-

Ҳақбердиев сабабчи бўлди. Интилувчан йигитнинг бошини оталардек силади. Тўғри йўл кўрсатди. Хозир Махмуд ака орамизда йўқ бўлса-да, Отабек у кишини устоз сифатида бот-бот тилга олади. Раҳматлининг яхши фазилатлари шогирдига ўтган, дейишади. Устоз отадек улув, деб шунга айтсалар керак-да. Олти йилдан ошқирок вақт Косон почта алоқаси тармоғида бош хазиначи бўлиб ишлаш баробарида билимини оширишни ҳам қанда қилмади. Қарши муҳандислик-иктисодий олийгоҳининг иктисод бўлимини сирдан ўқиб битирди.

2006 йилдан бошлаб Косон почта алоқаси тармоғида бошлиқ ўринбосари бўлиб ишни давом эттирди. Қисқа вақт ичида раҳбарликнинг ўзига хос жиҳатларини яхшигина билиб олди. Почтага келувчиларни қабул қилиш, уларнинг сўзларига қулоқ тутиш, муаммоларини ҳал этишда жонбозлик кўрсатди. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали директори Солиҳ Хафизов уни хузурига қақириб обдон суҳбатлашди. Унинг ҳаракатлари,



каб вазиятларда алоканинг тезкор тикланишини таъминлаш бўйича етарли тажрибага эга. Қолаверса, хизмат фаолияти давомида меҳнат унумдорлигини ошириш бобида қимматли тақлифлар билдириб туради.

Таъкидлаш керакки, "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиалининг 7-боғламаси 2010-2012 йилларда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, мустақил-

**Шопўлат Бўтаев бу йил 50 ёшга тўлади. У ярим асрлик умрининг ўтган давларидан мамнун. Энг муҳими, кўнглига туккан орзу-умидлари ушалмоқда. Вақтнинг қадрига эътибор эл ва турли миллат вакиллари билан иборатаҳил жамоаси орасида ўз ўрнини топди.**

лиқни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Даставвал DWDM-4200 қурилмаси Бойсун, Шеробод, Термиз, Денов туман марказларига ўрнатилди. Натижада транспорт тармоғи каналлари сони кўпайиб, вилоят аҳолисининг мобил алоқа, халқаро алоқа, маҳаллий алоқа, интернет хизматларига бўлган эҳтиёжи қондирилди. Шопўлат Бўтаев ҳамкасблари билан Бойсун — Денов, Денов —



TO'UXAT

Узун, Узун — Шарғун участкаларида оптик толали алоқа кабелни қурилишида ўз билим ва маҳоратини ишга солди.

Бевосита боғлама муҳандис-техник ходимлари ёрдамида Сурхондарё телерадиокомпаниясига SMS-600V қурилмаси ўрнатиб берилди. Бу орқали Термиз шаҳрида ўтказилган "Баркамол авлод-2011" спорт ўйинлари республика мусобақаси мамлакат миқёсида тўғридан-тўғри намойиш қилинди. Олтинсой туманидаги Вахшивор Радиотелевидение узатиш марказига рақамли телевидение қурилмаси ўрнатишда ҳам жамоа меҳнати яққол билинди. Унинг меҳнатсеварлик, фидойилик фазилатлари ўрнатилишига муносиб. Ўз навбатида, у нафақат алоқа соҳаси билимдони ва касбий маҳорат соҳибни, балки оилапарвар инсон ҳамдир. Турмуш ўртоғи Хурсандой Донобоева билан тинч-тотув ҳаёт кечириб келмоқда. Фарзандларининг икки нафари ота касбини эгаллаган. Хозир Акбаржон "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиалида ишлаб чиқариш техник лабораторияси муҳандиси, Аскар эса филиалнинг 7-боғламасида муҳандис. Аброр "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Сурхондарё вилоят филиали бош мутахассиси бўлса, Аббосжон хуsusий тадбиркор. Лобаржон Термиз Давлат университети талабаси.

Оила бошлиғи Шопўлат Бўтаев эса бу йил 50 ёшга тўлади. У ярим асрлик умрининг ўтган давларидан мамнун. Энг муҳими, кўнглига туккан орзу-умидлари ушалмоқда. Вақтнинг қадрига эътибор эл ва турли миллат вакиллари билан иборатаҳил жамоаси орасида ўз ўрнини топди.

Нортожи ЗИЁЕВ

## Ишонч чўққилари

Отабек ўрта мактабда ўқиб юргандаёқ олий маълумотли мутахассис бўлишни, ўз соҳаси бўйича яйраб ишлашни орзу қилган эди. Орзулари уни Тошкентга етаклади. Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиiddинов номидаги лицейга ўқишга кирди. Сўнг мазкур университетнинг физика факултетига кирди.

**Айни дамда туманда 20 мингдан зиёд пенсионер бор. Уларга 3 миллиард 750 миллион сўм нафақа пуллари тарқатилади. Режаларнинг вақтида бажарилишида 80 нафар ходим ўз ҳиссасини қўшмоқда.**

ўзини тутиши раҳбариятга маъқул келди.

— Сизни энг оғир нуктага, Муборак почта алоқаси тармоғига бошлиқ этиб юборишга аҳд қилдик, — деган эди ўшанда С.Хафизов. — Носоғлом муҳит, ўзбошимчалик билан қилинган ишлар режаларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмоқда. Сиз бизнинг ишончимизни, албатта, оқлайсиз деган умиддаман.

Бу ишонч Отабекни тинимсиз ишлашга ундади.

Муборакда ишлаш анчайин қийин кечди. Қариялар нафақасини ўз вақтида тарқатиш, жамоада соғлом муҳитни шакллантириш учун озмунча тер тўкмади. Ёш, асло чарчаш ниятлигини билмайдиган Отабек баъзи пайтлари толиқадиган ҳам бўлди. Икки йил тинимсиз иш, қаттиққўллик натижаси ўлароқ жамоа бир мунча илроқлик сари одимлади. Беш йил ўтгач эса ҳавас қилса арзийдиган жамоага айланди. Буларнинг барчасида О.Мирзаевнинг фидойилиги мужассам.

2011 йилнинг май ойидан Косон почта алоқаси тармоғи бошлиғи пенсияга чиққач, унинг ўрнига бошлиқ этиб тайинланди.

Айни дамда туманда 20 мингдан зиёд пенсионер бор. Уларга 3 миллиард 750 миллион сўм нафақа пуллари тарқатилади. Режаларнинг вақтида бажарилишида 80 нафар ходим ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Отабек Мирзаев камолот ёшида. Хали забт этилмаган чўққилари бор.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
"Хабар"нинг Қашқадарё  
вилоятидаги мухбири

# Инфокоммуникацион тизимларда


Юқори самарадорликка эришишни таъминлаш усуллари ва мезонлари

**Учинчи минг йилликнинг бошланиши эволюцион ривожланиш, хусусан, янги ахборот технологияларини татбиқ қилишни белгилаб берди: булар сиқиш, сақлаш, модуляциялаш ва бошқалар маълумот алмашишни жараёнини жадаллаштириш ҳамда фойдаланувчиларнинг кенг тармоқли киришидир.**

Бу глобал ахборот жамиятининг ривожланиш даражаси ошишига кўмаклашади. Маълумот учун: инсонга тегишли турли ахборот маълумотлари оқими сонда аудио ва видео маълумотлар 90 фоизни ташкил қилади.

Шундай қилиб, аудио ва видео ахборотлардан ташқари ўз таркибда бирлаштирувчи катта ҳажмдаги маълумотлар ва турли хизматлар ҳақидаги маълумотлар ахборот тизими ва тармоқларида оммавий тус олмоқда.

Айни пайтда катта ҳажмдаги маълумотларни сиқиш учун дифференциал кодли импульс модуляцияли дискрет косинус ўзгартириш асосидаги анъанавий ортогонал ўзгартиришлардан фойдаланилмоқда. Жумладан, дискрет ко-



синус ўзгартиришлар ва хоказо.

Ўтган юз йилликнинг 90-йилларида бошланган MPEG номи остида ТВ дастурлари сигналларини сиқиш технологияси бугунга келиб такомиллашиб, MPEG - 1, 2, 4, 7 ва 21 оиласи кўринишига келди.

Дискрет косинус ўзгартириш стационар жараёнларни яхши тавсифлайди, лекин ностационар жараёнлар учун қўллаб бўлмайди, чунки бу ҳолатда 8x8 ёки 16x16 ва бошқа ўлчов элементлари блок тузилмаси кўринишида намоён бўлувчи аниқ ифодаланган артефактлар хисобидан тикланган тасвирнинг специфик

бузилиши ҳосил бўлади.

Ностационар жараёнларнинг математик тавсифини вейвлет ўзгартириш асосида бажариш мақсадга мувофиқ. Чунки бу тур ўзгартиришда сиқишнинг юқори коэффициентларини олишга эришувчи ўзгартиришлар, коэффициентларни ҳисоблаш амалиётини амалга ошириш учун етарли вақт талаб қилувчи хақиқий видеосигнал тавсифида кўп номинал функциядан қисман фойдаланилади. Икки ўлчамли сигналларга қайта ишлов бериш учун Фурье ва вейвлет ўзгартиришлари услубларини умумлаштириш маълум бўлинмас ўзгарти-

ларга олиб келади.

Тадқиқот натижалари шунни кўрсатадики, ҳозирда мавжуд сиқиш ва сақлаш технологияларига қараганда бу усул 10-20 фоиз самаралироқдир. Шундай қилиб, ушбу мултивейвлет ва атомар ўзгартиришдан фойдаланиб ишлаб чиқилган кўп функцияли қурилма янги рақамли телерадиоэшиштириш тизимларида, видеоахборот ва телекўрсатув ахборот тизимларида самарали бўлиши билан ажралиб туради.

Мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги масалаларни ечиш лозим:

1. Сигналларни филтрлаш, ўзгартиришни замонавий усулларда алгоритмни анализ, сиқиш, вейвлет ва атомар ўзгартириш асосида воситалардан ҳаёқитбардошлигини кодлашда янги алгоритмни ишлаб чиқиш;
2. Вейвлет ва атомар функцияларини коэффицентлаш, тез ўзгартиришда ва юқори таъминлашда фарқлаш тизимларини вазияти билан янги фойдали алгоритмларни ишлаб чиқиш;
3. Вейвлет ва атомар ўзгартиришда рақамли модел схемаларнинг янги алгоритмлари усулларини функционал ишлаб чиқиш;
4. Юқори унумдорли микропроцессорларнинг охириги авлодлари асосида схематехник ечимларни ишлаб чиқиш;
5. Мавжуд замонавий инфокоммуникацион тизимларда барча функциялар, режимлар ва трафик ўтиши тести ни ўтказиш.

Мазкур баён этилган ва юқорида тақдиф қилинган усуллар асосида яратилган (қурилма) аппарат-дастурий воситасининг математик ортогонал ўзгартириш танлаб олиниб, унификациялаштирилган кўп функцияли воситаси фаолияти алгоритми ишлаб чиқилган. Ушбу восита фаолияти махсус дастурий таъминот ёрдамида компютерда моделлаштирилиб, синовдан ўтказилган.

**Марк МАТЯКУБОВ,**  
ТАТУнинг "Ахборот тизимлари"  
кафедраси 2-босқич магистри

**ФАКТ**

**Онлайн мусиқа таъминотчиларининг 63 фоизи Европада жойлашган.**

## ACSC компютер дастурлари асосчиси

афғон аёли дунёнинг энг қудратли инсонлари рўйхатида

**Афғонистонлик ишбилармон аёл ва ACSC компютер дастурлари ишлаб чиқариш ширкати асосчиси Рўе Махбуб Американинг "Тайм" журнали рейтингиди дунёдаги энг қудратли юзта одамдан биттаси деб тан олинган.**



Хафталик журналнинг йиллик ёмон ишлари билан ном козонган сие-сатчилар, бизнесменлар, таниқли санъаткорлар, машхур хонандалар, хулласи калом, ўз соҳасининг энг усталари ўрин олиб келишади. Энг хайратланарлиси шундаки, Рўе Махбуб рўйхатга илк бор киритилганига қарамай, илк таснифда 9-ўринни эгаллаб, юқори ўнликка киришга муваффақ бўлди.

Рўе Махбуб Афғонистондаги ахборот технологиялари йўналишида иш олиб борувчи ширкатнинг илк аёл ижрочи раҳбаридир. У 2009 йилда

Хирот университетиди "Компютер фанлари" бўйича бакалаврлик, ордан икки йил ўтиб эса Малайзияда ахборот технологиялари соҳасида докторлик мақомини қўлга киритган.

Рўе Махбуб ўзининг компютер дастурлари ишлаб чиқариш ва консалтинг ширкатига 2010 йилда Хиротда асос солган. Ширкат 25 одамни иш билан таъминлаган бўлса, улардан аксариятини хотин-қизлар ташкил этади. Улар мамлакатдаги НАТО мулозимлари, ҳукумат вазирлари ҳамда

хусусий ширкатларга компютер дастурлари ва маълумотлар манбаи тайёрлаб бериш билан шуғулланишади.

Рўе Махбубнинг ширкати Афғонистон олий ўқув юртларида 40та текин компютер синфларини очишни мақсад қилган. Интернет билан таъминланган бу синфхоналарда 200000га яқин талаба замонавий технологиялар билан танишиши ва дунёга боғланиши имкониятига эга бўлишади.

Шуниингдек, бу аёл афғон аёлларининг фаолиятини ошириш мақсадида Film Annex ширкатининг кўмаги билан Women's Annex веб-саҳифасига ҳам асос солган. Хотин-қизлар бу ерда санъат, маориф, спорт, бизнес ва бошқа турли мавзулардаги йўриқномалар, видеолавҳалар ва блоглари билан ўртоқлашишлари мумкин. Мамлакатдаги уч юзга яқин хотин-қиз блогтерлар ҳам ўз овозларини эштитириш ва Афғонистонни дунёга танитиш учун ушбу минбардан фойдаланиб келишади.

**UY'ONISH**

## Афғонистонда ўзбекча ТВ

**Шимолий Афғонистоннинг Шибиргон шаҳрида мамлакатдаги илк ўзбек тилидаги 24 соат узлуксиз фаолият юритувчи телевидение ўз дастурларини эфирга узатишни бошлади.**

"Ботир ТВ" деб номланган мазкур телевидение таниқли ўзбек генерали, "Жумбеши миллий" партиясининг раҳбари Абдурашид Дўстим томонидан молиявий таъминланди. Афғон Парламенти аъзоларидан Иноятулло Фараҳмандянги ТВга раҳбар этиб тайинланган.

Унинг айтишича, янги телеканалнинг мақсади Афғонистонда яшовчи туркийзабон халқларга хизмат қилишидир. Лекин ҳозирча туркий тилларда замонавий шаклда хабар ва дастурларни тайёрлаш учун профессионал журналистлар у қадар етарли эмас.

**У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади**

Фанийжамол холамнинг феъллари жуда фаройиб эди. Уйимизга дарвозани ҳам, эшикни ҳам ланг очик қолдирганча кириб келарди.

— Очик турсин. Эшик — ризк-рўз йўли, — дердилар баланд овозда. — Беркитманг. Келган файз-барака қайтиб кетмасин. Сўнг икки юзимдан чўлп-чўлп ўпиб дуо қиладилар.

Сўнг "Онанг қани?" деган савол назари билан менга боқадилар. "Ҳозир кебколадилар" дейман-да, югуриб ичкари уйдан охори тўқилмаган якандоз олиб чиқиб сўрига тўшайман.

— Утиринг, холажон.

Дастурхон ёзиб, нон, қанд-курс, мураббо келтириб қўяман-да, холамнинг хушрўйгина, нурли чехрасига термуламан.

— Яна тескари ўрабсиз, — дея оппоқ рўмолининг ўнгини ўрай бошлайман. — Хола, нега сиз кампирлар ўрайдиган рўмолларни ўрайсиз доим. Хали кампир бўлиб қолганингиз йўқ-ку!

— Айланай қизалоғим-а, кампир бўлмасам ҳам мана бу ерим, қўлини кўксига босиб кўрсатади — кампир, ғарибу дилхас-таман. Болаларим ота меҳрига тўймадилар...

"Нега энди?" дея сўрамоққа оғиз жуфтлайману аяжонимнинг "Поччам эрта кетди. Камига Ҳабибасидан ҳам жудо бўлди. Бояқиш опам рўшнолик кўрмади", дея кўз ёш қилганлари ёдимга тушади-да жимиб қоламан.

— Хола, нега Ҳабиба опам ўлиб қолдилар? Касал бўлдиларми?

— Дадажонисига кўп ичикди-да, юрагимни парча-парча қилди-кетди. — Кўзларидан дувиллаб ёш қуюлади. — Кўй, сўрама, ёнган бағримни тилкаламан.

Шу пайт кўча эшикдан аяжоним кириб келаётганини кўриб қувониб кетади. — Ана келди, хайрият. Қаёқларда юрибсан?

1

## Жийда чини ифори

Ҳикоя

Сенда тиним борми ўзи? О сингил ҳар галгидек ўпка-т қилиб сўрашадилар.

— Хотинларнинг холаси — дейдилар аям менга караб. — Бор, кўп гапирмай ариқдаги сувда пиёла-ларни ювиб кел.

Ариқдаги тип-тиник сув остидан қум олиб пиёлларв ярқиратиб ювман-да, яна олиб холамнинг пинжиги киририб оламан ва қандайдир хушбўй хид димоғимни эркалаётгандай бўлади. Бу қандай хид? Жуда таниш, жуда ёқимли?!

— Атир сепдингизми, хола? — сўрамоққа чоғланиб холамга ўтирилдиму кўзим жийда шохчасига тушди.

— Тикиб олдийми, йўқ игна қадоқлаб олибсиз-да-а? Нега сиз доим жийда гули тақиб юрасиз?

— Кўксим гулу ифориға тўлсин, ғамга тўлмасин, дейман-да, болажоним.

— Аям сира такмайдилар-ку!

— Аяжонингни ўнта гули бор. Етади.

Жийда гули чикора?

Холам бу билан нима демокчи эканлигини англаёлмай бир пас ўйга ботаман. — Ҳа, билдим, сиз болаларни "гул" деркан-



ути-

2

сиз-да. Ўзингизда ҳам бирмас, иккита гул бор-ку! Бир киз, бир ўғил! — Донолигимни намойиш қилолганимдан оғзим қулоғим-да.

— Жийда гулидан олиб келиб аямга ҳам тақиб қўяман.

Чорбор томонга ялангоёқ югуриб кетаман. Жийдага чиқиб энг ғужум гуллаган шохини танладим-да синдириб бир зумда қайтиб келдим.

— Мана. Ая, сиз ҳам тақиб олинг,

— Э, қоч-е, вақтим борми, жийда хидлагани. Бола-чақа, мол-қол — ана шулар менинг жийда гулларим. Бузоқни суғордими? Ана молнинг пакири. Бора қол. Роса чанқагандир бечора.

Холам бўлса менинг кўлимдаги маржондай тизилган сап-сарик гулли жийда шохига қараганча "Увол, увол, жуда катта шохини синдирибсан, уволгина-я", дея бошини сарак-сарак қиларди.

— Бола-да. Хали бу нимани биледи, — дейди аям тарафимни олган бўлиб.

Холам ғўё ортиқ ҳеч нарсени эшитмаётгандай эди: — уч дона шохчасидан бер. Дуоғўй онамга олиб бораман. Анчагача ёстигини остида саклайди.

Йиллар ўтиб жийда гулига ўзимнинг ҳам ишқим тушди. Атрофи оламда жийда гулларининг муаттар бўйлари кезинаркан, кўнгилда энг гўзал туйғулар мавж уради. Холам ёдимга тушади. Ажабо, холажоним ўзи экан икки туп жийда кўчатлари улкан дарахтларга айланган, айна жийда гуллаган кунларда бу ажиб сирли-сехрли бўйга тўйиб-тўймай боқий дунёга сафар қилдилар.

Сўнгги йўлга қузатарканмиз, бутун олам жийда ифориға тўлиб кетган, бизнинг айрилиқ-андухларимизни аритмоқчи бўлгандек, димоғимизни эркаламоққа чоғланган эди.

Ҳафиза АСҚАРОВА

3

## Табриклаймиз!

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси бош мутахассис Музаффаржон НОСИРОВНИ 50 ёши билан чин дилдан муборакбод этади. Унга соғомонлик, узоқ умр тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиалининг Китоб ТБ маъмурияти ҳамда цех касаба уюшмаси қўмитаси боғлама электромеханиги Ашур МЎМИНОВНИ ҳамда кабел пайвандчиси Эшмурод МАМАДИЕВНИ 50 ёшга қарши олишлари билан самимий табриклайди. Уларга сихат-саломатлик, ишларида ривож, онлаларида фаровонлик тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали Жума почта алоқаси тармоғи ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари умумий бўлим хабарчиси Ўролтош САПАРОВАНИ 50 ёши билан табриклайди. Унга узоқ умр, сихат-саломатлик, фарзандлар камолини кўришни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Фарғона ШТБ ходими Улугбек СУЛТОНОВНИ муборак 60 ёши, Олтиариқ ТБ ходими Муроджон ҒИЁСОВНИ 50 ёши билан самимий табриклайди. Уларга мустахкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўришни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Яйпан ПАТ ходими Ҳасанжон АЗИЗОВНИ 55 ёши билан чин дилдан қутлайди. Унга энг эзгу тилақларни йўллайди.

## Билимлар булоғи

Марғилон шаҳридаги академик лицей ахборот-ресурс марказида 4157та дарслик, 15 мингдан зиёд турли мавзудаги адабиётлар мавжуд бўлиб, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг бугунги кун жараёнларида хабардор бўлиб боришлари учун 30га яқин матбуот нашрлари ўқув залига қўйилган.

— Марказимизда ташкил этилган "Ёш иждоқорлар" клубига ўқувчиларнинг қизиқиши катта, — дейди АРМ раҳбари Санобархон Абдуллаева. — Бу ерда доимий равишда ёзувчи ва шоирларнинг таваллуд кунлари нишонлаб келинмоқда. Адабий-баддий кечалар, мушоиралар, китобхонлар байрами, уч-

рашувлар ўтказиш анъанага айланиб қолган.

— Инглиз тилига жуда қизиқман, шу боис дардан бўш вақтларимда ахборот-ресурс марказининг бой кутубхона фондидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан, — дейди лицейнинг хорижий филология йўналиши бўйича ўқувчиси Сирожиддин Каримов. — Кутубхона — билимлар булоғи.

Фарғона вилояти ҳокимининг фармойиши билан яқинда Китобхонлик ҳафталиги ўтказилди. Ҳафталик доирасида миллий, маънавий, ахлоқий кадрлар кенг тарғиб этилди. Тумандаги корхона, ташкилотлар, идоралар ва муассасалар АРМларга китоблар жамланмасини совға қилдилар.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ  
Марғилон шахри

## Обуна давом этмоқда

Ҳурматли газетхонлар!  
"Xabar"га обуна давом этмоқда.

Газетага "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ алоқа бўлимлари, "Матбуот тарқатувчи" АК матбуот дўконларида обуна бўлишингиз мумкин.



**Кураш — ўзбек халқининг қадимий қадриятларидан бири. Кураш ва кўпқари азалдан тўйларимиз кўрки бўлиб келган. Бу ўлмас аъна паҳлавон бобомиз Алпомишдан бизга бебаҳо мерос бўлиб қолган. Не бахтки, йигирма йилдан буён дунё полвонларини кўхна шаҳар — Термиз ўз бағрига чорламоқда. Миллий кураш бўйича галдаги ўн биринчи турнирга эса ўттиздан ортиқ мамлакатдан вакиллар келишди.**



## Термизда халқаро турнир

Аънавий катта спорт байрами қатнашчилари бўлган хорижлик ва юртимиз полвонлари, уларнинг мураббийлари, ҳакамлар хайъати аъзолари дастлаб Ал-Ҳаким ат-Термизий мемориал мажмуасини зиёрат қилишди. Айни шу табаррук даргоҳда улар шарафига нахорги ош берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ва Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича ўн биринчи халқаро турнирнинг тантанали очилиш маросими "Сурхон" спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Ватанамиз мадҳияси янграб, номдор полвонлар иштирокида Халқаро турнир байроғи кўтарилди. Сурхондарё вилояти ҳокими Нормўмин Чориев барчани аънавий мусобақа билан табриклади.

Халқаро турнирни одатдагидай миллий яқтак кийган ва белбоғ боғлаган кураш фахрийлари ва кенжа авлод вакиллари бошлашди.

Сўнгра миллий кураш бўйича ўн биринчи турнирга йўлланма олган полвонлар ваъзлари бўйича ҳамда мутлак чемпионлик учун ўзаро баҳслашдилар. Икки кун давомида

"Сурхон" спорт мажмуасини тўлдириб турган мухлислар гиламга тушган энг кучлиларни олқишлаб туришди.

Бир неча хорижлик ва мамлакатимиз полвонлари Ал-Ҳаким ат-Термизий хотира совринини олишга сазовор бўлишди. Халқаро турнирнинг мутлак чемпионлиги сурхондарёлик Салимжон Убайдуллаевга насиб этди. Унга Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини тантанали равишда топширилди.

Таъкидлаш керакки, Термиз тумани болалар ва ўсмирлар мактаби мураббийи Салимжон Убайдуллаев 2012 йилда Соҳибқирон Амир Темури хотирасига бағишлаб Қашқадарёда ўтказилган миллий кураш бўйича халқаро турнирда ҳам шундай қувончли муваффақиятга эришган эди. Туманининг "Намуна" хўжалигида истиқомат қилаётган йигитга яна бир бор омад қулиб боқди.

Халқаро турнир катнашчилари 2015 йил баҳорда яна кўхна тарихий шаҳар — Термизда учрашиш истаги билан дўстона ва самимий хайрлашишди.

**Нортожи ЗИЁЕВ**

## Фарзанд тарбиясида жамоатчилик ўрни

**Бугун оилаларда камолга етётган, таълим муассасаларида билим сирларини пухта эгаллаётган, қисқача айтганда, маҳалла аҳли кўз ўнгиде улғаяётган ёшларимиз юртимизнинг эртанги кунни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган етук инсонлар ҳисобланади. Шу боис ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорликни ҳамда унинг самарасини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинаётгани эътиборга моликдир.

Фарзанд тарбиясида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги "Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини айтиб ўтиш зарур. Ушбу қарор билан Халқ таълими вазирлигида "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги Жамоат кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларида жамоат кенгашлари тузилиб, ҳозирги пайтда улар самарали фаолият олиб боришяпти. Жумладан, мазкур кенгашлар саъй-ҳаракатлари билан оила, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва маҳалла ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бормоқда.

Айни чоғда жамоатчиликнинг фарзанд тарбиясидаги ролини янада ошириш, уларнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини мустаҳкамлашга кўмаклашни бўйича ҳам чора-тадбирлар кўрилиб, таълим-тарбия сифатини ўрганиш ҳамда уни янада кучайтириш доимий эътиборда турибди.

Ҳамкорлик доирасида Республика Маънавият тарғиботи, Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий, "Оила" илмий-амалий марказлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси мутахассислари ҳамда жамоатчилик вакилларидан иборат тарғибот гуруҳлари турли тадбирлар ўтказишди. Уларга 2012 йил мобайнида 1 миллион 300 минг нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар ва аҳоли камраб олинди.

Маҳаллаларда ёшларни ҳаётга ҳар жиҳатдан тайёрлаш, уларда ҳаётга масъулият ҳиссини кучайтириш мақсадида ибратли оилалар иштирокида учрашувлар ўтказилмоқда. Хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинларида "Бир болага етти кўшини ота-она" мавзусида учрашувлар ташкил этилди.

2012 йил давомида хотин-қизлар қўмитаси томонидан республикамиздаги 514,3 мингдан ортиқ оилаларда тушунтириш ва тарғибот ишлари ўтказилди.

ФХДЁ органлари иштирокида эса "Ёш оила мактаби" машғулоти ўтказилиб, уларда 100 мингдан ортиқ ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртлири талабалари катнашди.

Ички ишлар идоралари томонидан ўқувчи-ёшлар орасида миллий урф-одатларимизга зид салбий ҳолатлар, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар содир этилиши олдини олиш ҳамда профилактик назоратда турувчи ўқувчиларни тарбиялашда ота-оналар, маҳалла, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда нодавлат ташкилотлари ҳамкорлиги самараси туфайли "Ёзги оромгоҳ"лар ташкил этилди.

Хуллас, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги доирасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, фарзанд тарбиясида нафақат ота-она, балки жамоатчиликнинг ўрни бекиёсдир.

**Наргиза САЛИМОВА,**  
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани  
1-Давлат нотариал идораси нотариуси



**"Чирчиқ" шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи спорт мажмуасида ОАТ "Алоқабанк"нинг ҳудудий филиаллари, бошқарма жамоалари ўртасида футбол бўйича аънавий мусобақа бўлиб ўтди.**

Мусобақада жамоалар 4 гуруҳга бўлинган ҳолда чорак финал йўлланмалари учун кураш олиб борди. Ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб боришди ва унда қуйидаги натижалар қайд этилди:

### Чорак финал

"Бош Банк" — Сурхондарё — 7:2  
Навий — Хоразм — 2:0  
Анджон — Қашқадарё — 3:1  
Бухоро — Наманган — 2:1

### Ярим финал

"Бош Банк" — Бухоро — 2:1  
Навий — Анджон — 3:0

### Финал

"Бош Банк" — Навий — 2:0

### Ўтганларнинг охириати обод бўлсини

Қашқадарё вилояти "Матбуот тарқатувчи" ШК жамоаси Дехқонobod туман филиали директори

**Нурилло ҲАМРОЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали Чирокчи почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқнинг муҳандис-ҳисобчиси Са-нобар Долиевага волидаи муҳтарамаси

**ҲАЛИМА** аянинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

### ● Эълон!

"Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi" davlat unitar korxonasi ning Toshkent radiotelevizion uzatishi markazi negizida filial makomida faoliyat yurituvchi Toshkent radiotelevizion markazi tashkil etilishi munosabati bilan "Radioaloqa, radioeshittirish va televideniye markazi" davlat unitar korxonasi Toshkent radiotelevizion uzatishi markazi ning huquq va majburiyatlari buyicha huquqiy vorisi ekanligini maълum qilamiz.

Toshkent radiotelevizion uzatishi markazi ning faoliyati buyicha barча davvo va talablar "RRTM" DUK tomonidan mazkur эълон chop etilgan kundan бошлаб бир ой мuddat ichida қабул қилинади.

"RRTM" DUK маъмурияти

**ХАСБИ ХОЛ:**

Насибахон ИСМОИЛОВА 1960 йили ҳайдовчи-таъминотчи Турғунбой ака ҳамда уй бекаси Саодатхон аялар хонадонида таваллуд топди. 1977-1982 йиллар давомида Тошкент электротехника алоқа институтида тахсил олган ёш мутахассис дастлабки иш фаолиятини Республика Алоқа вазирлигининг Давлат алоқа назорати бўлимида бошлади. Бўлим алоҳида ажралиб чиққач, унга "Электромагнит мослашув маркази" номи берилди ва Насиба Исмоилова узоқ йиллардан бери шу корхона директорининг ўринбосари вазифасида фаолият юритмоқда. "Моҳир алоқачи" унвони соҳиби.

Оилали. Турмуш ўртоғи Ботир Исмоилов "Алоқанвест" ДУК бош директори. Уч нафар фарзанднинг онаси, тўрт нафар неваранинг сеvimли бувижониси.

# Ҳаёт яхшилик билан гўзал

— дейди навбатдаги меҳмонимиз — "Электромагнит мослашув маркази" давлат унитар корхонаси директори ўринбосари Насибахон ИСМОИЛОВА



— Насибахон, жорий йилга "Обод турмуш йили" дея ном берилди ва шу ном остида республикада жуда катта қўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Айтинг-чи, обод турмуш деганда сиз нимани тушунасиз?

— Ҳақиқатан ҳам, Обод турмуш йили муносабати билан ўтган йилларда бошланган кенг қўламдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари давом эттирилмоқда. Республикаимизнинг барча вилоятларида намунавий лойиҳа асосида, ҳатто хорижликларнинг ҳам хавасини келтираётган ажойиб уйлар қуриляпти. Лекин биз қанча чиройли, хашаматли уйларда яшамайлик, агар маънавийтли, маданиятли бўлмасак, қўланган мақсадга эриша олмаيمиз. Зеро, ҳар бир оила турмушининг ободлиги шу хонадонда яшовчиларнинг атрофдагиларга ҳурмати, қадим қадриятларимизни қай даражада тушуниши ва амал қилиши, шунингдек, одоб-муомаласига қўп жиҳатдан боғлиқ. Шундай экан, биз одамларимиз, айниқса, келажакимиз эгалари бўлган ёшларимиз тарбиясига жиддий эътибор бермоғимиз лозим. Шундагина, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, кўнгли ободлигига эришамиз.

— Ота-онангиздаги қайси фазилатларни фарзандларингизда кўришни истар эдингиз?

— Раҳматли ота-онам биз — бир ўғил ва етти қизни тарбиялаб, вояга етказишди, ўқитиб, уйли-жойли қилишди. Ойламизда отамнинг ҳурмати жуда юқори эди. Онамнинг то отам келмагунча кечки овқатни сўзмади. Уйимизда отамнинг ҳар бир гапи қонун даражасида эди. Отам бунга ўз меҳнатлари билан эришганларини кейинроқ, ёшим улгайгач ҳис қилдим. Отам рўзгорнинг барча ташвишларини ўз елкасига олган ва ҳатто биз, қизларнинг кийим-кечагимизгача ўзлари олиб келардилар. Мен нафақат фарзандларим, балки барча йигитларимиз оила масъулиятини отам каби ҳис этишларини истар эдим. Шунингдек, ўғилларим отам каби ҳалолликни, одамийликни ҳамма нарсадан устун қўнғичи, камтарин, меҳрибон

ва меҳнатсевар бўлишларини хоҳлайман. Кимдаки шу фазилатлар бўлса, ундан атрофдагиларга фақатгина яхшилик етади. Ҳаёт эса яхшилик билан гўзал ва фарахли.

— Насиба Турғунбоевна ишда талабчан раҳбар. Оилада-чи?

— "Қуш уясида кўрганини қилади", деганларидек, оилада онам каби оддий бека, меҳрибон онаман. Турмуш ўртоғим билан институтда бирга ўқиган бўлсак-да, оилада у кишининг ҳар бир гапларига сўзсиз бўйсунаман. Агар оилада эр устун бўлмас экан, бундай оила мустаҳкам бўлмайди. Фарзандлар эса ҳам отадан, ҳам онадан меҳр олмоғи лозим. Шундагина улар бошқаларга ҳам меҳр, зарур пайтда ёрдам бера олишади.

— Бўш вақтингизда нима билан шуғулланасиз?

— Спортнинг волейбол тури жону дилим. Волейболни оилавий бўлиб ўйнаймиз. Спорт ҳам саломатлигини мустаҳкамлайди, ҳам биз аёлларга қоматимизни сақлашга ёрдам беради.

— Техника билан боғлиқ соҳани танлаганингиздан афсусланган пайтингиз бўлганми?

— Йўқ, бундай пайт бўлмаган. Мен шу соҳада ишлаб озми-кўпми обрў топдим. Меҳнатларим соҳамиз раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланиб, "Моҳир алоқачи" унвонига сазовор бўлдим. Эришган барча муваффақиятларим учун мени қўллаб-қувватлаб турган яқинларимдан, қадрдон жамоамдан беҳад миннатдорман.

— Китоб ўқишга вақт топасизми?

— Бугунги кунда қўп асарларнинг электрон вариантини ўқиш имконияти мавжуд. Лекин китобнинг ўрни бошқа, албатта. Мен учун китоб жонли бир нарсдай. Ҳозиргача китоб энг яқин ҳамроҳим. Айниқса, Абдулла Қодирий, Саид Аҳмад, Саида Зуннунова, Турсуной Содикова, Мархабо Каримова асарларини сеvim мутулаа қиламан. Матбуот на-

шрларини ҳам ўқиб бораман. Инсон янгиликлардан бохабар бўлиб турмаса, бошқалардан орқада қолиб кетиши аниқ.

— Аёлларимиз ҳамма вақт гўзал бўлишга интилиб яшашади, гўзалликни сиз қандай тушунасиз?

— Мен инсонлардаги ички гўзалликни кўпроқ қадрлайман. Кўнглимдаги чиройли қизларимиз муомала маданиятини билмаса, мўл масалликлардан ҳам мазали овқат пийшира олмаса, атрофдагиларни ҳурмат қилмаса, ундаги гўзаллик кимга ёқди?! Инсонда ички маданият кучли, маънавийти бой бўлса, у хамиша ҳурмат қўна олади. Истараси иссиқ экан, дейишди одамлар улар ҳақида.

— Қайси таомларни сеvim тайёрлайсиз?

— Бекаларимиз аввало ҳар бир овқатни меҳр билан, озодаликка риоя қилиб тайёрласалар таоми ширин бўлаверади. Мен ёшлигимдан хамирли овқатлар тайёрлашни яхши кўраман. Нокамтаринликка йўмангу, манти билан лағмонни қойиллатаман.

— Янги оила қураётган қизларимизга обрўли бир оиланинг бекаси, уч нафар ўқимишли, тарбияли фарзанднинг онаси, тўрт нафар ширинтойнинг буvisи сифатида маслаҳатларингиз?

— Қизларимиз тушган жойларини ўз уйим, оила аъзоларини энг яқин одамларим деб билишса, улар ҳурматини жойига қўйишса, қолгани ўз-ўзидан яхшиланиб бораверади.

— "Xabar" ўқувчиларига тилақларингиз.

— Газетхонларнинг асосий қисмини алоқачилар ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда уларга аҳолига намунали алоқа хизмати кўрсатишдек масъулиятли ва шарафли ишларида улкан ютуқлар, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, тилайман.

Муборак МИРКАМОЛОВА  
сўхбатлашди

**ЁЗ МЕВАЛАРИДАН КЕКС**

**Зарур масалликлар:**  
150 грамм маргарин, 300 грамм шакар, 200 грамм сут, 2 дона тухум, 2 стакан ун ва хамиртуруш. Қўшиш учун исталган мевадан, масалан, гилос меваларидан фойдалансангиз бўлади.

**Тайёрланиши:** маргаринни товада эритиб, сутни қўшинг. Тухумни шакар билан кўпиртириб, унни хамиртуруш билан аралаштиринг. Сўнгра маргаринга тухумли аралашма ҳамда унни қўшиб, хамир тайёрланг. Меваларини майда тўртбурчак шаклида тўғраб, хамирга қўшинг. Газ печ патнисига пишириқ қорозни солиб, хамирни қуйинг. 175 даража қизган газ печида 30-35 дақиқа давомида пиширинг. Тайёр бўлгач, тўртбурчак шаклида кесиб чиқинг.

**ҚАНД МИҚДОРИ НОРМАЛЛАШАДИ**

Қандли диабет доимий равишда эътибор бериб юрилиши керак бўлган касалликлардан бири. Қанд миқдорини нормал сақлашда эса табиат неъматларидан ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Масалан, ёш ток баргларида тайёрланган дамлама бу касалликни даволашда самарали воситалардан биридир. Дамлама қуйидагича тайёрланади:

Майда қилиб тўғралган 40-50 грамм ток барглари устига 500 миллиграмм қайноқ сув қуйилиб, паст оловда 10-15 дақиқа қайнатилади. Сўнг бир оз дамлаб қўйилади ва сузиб олиндиб, кунига 3-4 маҳал овқатдан 20 дақиқа олдин илтиқ ҳолда ичилади. Бу дамлама, шунингдек, артериал қон босимини туширишда ҳам фойда беради.

Насиба  
**ОМОНКЕЛДИЕВА,**  
"TURON" АҚМ илмий-услубий бўлими мудир

<p><b>МУАССИС:</b></p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ</p> <p><b>Бош муҳаррир:</b> Абдусанд КЎЧИМОВ</p>		<p><b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b> Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ, Алияр ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Суван НАЖБИДДИНОВ, Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b></p> <p>100043, Тошкент, Бунёкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Аслиддин БЎРИЕВ.</p>										
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқади</p>		<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>		<p>Г-552 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ, Адади: 15710 нусха.</p>		<p><b>ISSN 2010-6424</b></p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>						
<p>Видеот муҳбирлари:</p>		<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоийда 225-91-10</p>	<p>Наманганда 232-97-86</p>	<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчда 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 224-18-05</p>	<p>Қаршида 931-08-99</p>